

Хизмат кўрсатиши регламенти (қоидалари)

«Бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни жойлашириш ва улар бўйича мурожаатчилардан келиб тушаётган таклифларни кўриб чиқиши»

1. Хизмат тавсифи (паспорти)

1.1. Хизмат номланиши

Бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни жойлашириш ва улар бўйича мурожаатчилардан келиб тушаётган таклифларни кўриб чиқиши.

1.2. Хизмат натижаси

Аризани қабул қилиш, кўриб чиқилгандан сўнг, аризачини қайсибур параметрлар бўйича тўғри келмаслиги ҳақида хабардор қилиш ёки Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение Давлат унитар корхонасига (кейинги ўринларда - РРТМ ДУК) кунини ва вақтини кўрсатган холда суҳбатдан ўтиш учун таклиф қилиш.

1.3. Хизмат кўрсатувчи органлар ва бланкаларни олиш жойи

Аризаларни қабул қилиш ишлари РРТМ ДУК ва унинг худудий филиаллари томонидан амалга оширилади.(2-илова)

Барча керакли бланкаларни 100202, Тошкент ш, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 109 «а»манзили бўйича мурожат қилиш йўли билан олиш мумкин (худудий филиаллар 2-иловага мувофиқ), ёки РРТМ ДУКнинг расмий веб-сайти орқали (www.crrt.uz), хамда ягона интерактив давлат хизматлари портали (www.my.gov.uz) орқали юклаб олиш мумкин.

1.4. Ҳуқуқий асослар.

- 1995йил 21 декабрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Мехнат Кодекси;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.08.2007 йилдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 181-сонқарори;

- Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитасининг 2013 йил 5

декабрдаги “Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали интерактив хизматларнинг сифатли ва ўз вақтида кўрсатилишини ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқилишини таъминлаш тўғрисида”ги446-сон буйруғи;

- ЎзАААнинг 2007 йил 8 июлдаги 169-сон буйруғи билан тасдиқланган РРТМ ДУКнинг Устави.

1.5.Хизматдан фойдаланувчилар

Балоғат ёшига етган ва етмаган (қонунчиликда белгиланган тартибда), етарли даражада маълумотга эга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

1.6. Мурожаатни йўллаш муддати

Муддатлар чекланмаган

1.7. Ижро муддати

Тўғри расмийлаштирилган маълумотномасини олган вақтдан бошлаб бир ҳафта мухлатда сухбатдан ўтишга таклиф қилиш ёки кўрсатилган лавозимга тўғри келмаганилиги учун рад этиш.

Нотўғри расмийлаштирилган маълумотномаларуч иш куни давомидақайтирилиш сабабларини кўрсатган холда эгаларига қайтарилади.

1.8. Тасдиқлаш муддати

Аризани олган вақтдан бошлаб 1 (бир)иш қунидан кейин телефон алоқаси орқали – оғзаки тарзда, электрон почта (аризачининг эл.почта манзили мавжуд бўлса) ёки факсимил алоқа орқали хабардор қилиш.

2.Хизматлардан фойдаланувчиларни хабардор қилиш

2.1. Ахборотнинг хажми ва таркиби

Ҳар қайси мурожаат этувчи шахсга қуйидаги маълумотларни тақдим этилиши кафолатланади:

- РРТМ ДУК ва унинг худудий бўлинмалари оғисларининг жойлашуви, иш тартиби, ташриф буюрувчиларни қабул қилиш тартиботи;

- хизматдан фойдаланиш тартиботи ҳақида;
- хизмат кўрсатиш муддати;
- хизмат кўрсатиш регламентининг мавжудлиги ва регламент билан таништириш усуллари;

2.2. Кенг хабардор қилиш

Хизматлар ва хизмат кўрсатиш тўғрисида стандарт кўринишдаги маълумотларни қўйидагича олиш мумкин:

- 100202, Тошкент ш, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 109 «а» манзили бўйича;
- (+99871)2350323, (+99871)2356516 (худудий офислар, 2-иловага мувофиқ) телефон рақамлари орқали;
- www.crrt.uz, www.my.gov.uz веб-сайтлари орқали.

2.3. Сўров бўйича маълумот бериш

- шахсан: 9:00 дан 18:00 га қадар хизматдан фойдаланиш бўйича ҳар қандай масалалар бўйича оғзакимаслаҳат бериш (10 дақиқадан кўп эмас).
- телефон орқали: 9:00 дан 18:00 га қадар хизматдан фойдаланиш бўйича ҳар қандай масалалар бўйича оғзаки маслаҳат бериш (5 дақиқадан кўп эмас).
- факс орқали: 9:00 дан 18:00 га қадар ҳар қандай ёзма сўровларни кенг тарқалган текст форматларда ёки келишилган холда бошқа форматларда.
- электрон почта орқали: 24 соат давомида ҳар қандай ёзма сўровларни кенг тарқалган текст форматларда(оддий текст, илова қилинган файл DOC, RTF, PDF, JPEG)ёки келишилган холда бошқа форматларда.
- 9:00 дан 18:00 га қадар ҳар қандай ёзма хужжатларни оддий текст форматидаёки илова қилинган файл кўринишда (DOC, RTF, PDF, JPEG), шунингдек келишилган холда бошқа форматларда узатиш.

2.4. Хизматни кўрсатиш жойи хақида хабардор қилиш

Бош бўлинма: РРТМ ДУК мамурий биноси қўйидаги манзилда жойлашган: Тошкент ш., Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 109 «а». (худудий офислар, 2-иловага мувофиқ).

Мўлжал: Тошкент телеминораси, автобусларнинг “Шахристон”ёки “Тошкент ахборот технологиялари университети”бекатлари.

Транспорт қатнови: Автобуслар 24, 26, 50, 51, 60, 63, 67, 71, 72, 91, 93, 95, 96, 140, метронинг “Хабиб Абдуллаев” станцияси.

2.5. Фойдаланиладиган хужжатлар бланкалари

Ариза жўнатиш учун шакл:

- Ўрнатилган объективка шакли;
- Объектив маълумотномаси.

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

Иш вақти 9:00 дан 18:00гача. Дам олиш кунлари шанба, якшанба.

3.2. Кутиш шароитлари

Дастлабки ёзув. Ўртacha кутиш вақти 15 дақика.

4. Хизмат кўrsatiш тартиби:

4.1. Зарур хужжатлар

Куйидаги хужжатлар талаб этилади: резюме, паспорт, ИНН, ИНПС, диплом, 6 дона расм (3x4 ўлчамли), меҳнат дафтарчаси, аввалги иш жойидан даромади тўғрисида маълумотнома

4.2. Хизматлар учун тўловлар

Хизматлар учун хақ олинмайди.

4.3. Хизматларни кўrsatiш босқичлари

1 - босқич:Резюме ва объектив маълумотномани белгиланган шаклини тўлдириш (ягона давлат интерактив хизматлари портали ёки [сcrt.uz](#) сайти орқали юклаб олиш имконияти бўлади)

2 - босқич:Келиб тушган аризани кўриб чиқиш, ундан сўнг ёки сухбатдан ўтишга таклиф қилиш, ёки рад этиш. Рад этилган тақдирда рад этиш сабабларини кўrsatган холда ёзма равишида хабардор қилиш;

3 - босқич:Сухбатга таклиф этилган тақдирда – аризачи даъвогарлик қилаётган лавозимига қараб ўринбосар ёки техник директор сухбатидан ўтиш;

4 - босқич: Номзод юқоридаги мансабдор шахсларнинг сухбатидан муваффақиятли ўтган тақдирда, олдиндан куни ва вақти тўғрисида номзодга хабар берилиб, кейин Бош директорнинг сухбатидан ўтилади.

5 -босқич: Агарда номзодсухбатдан ўтган холларда, ишга қабул қилиш ва бунинг учун зарур хужжатлар рўйхати тўғрисида хабар қилинади.

4.4. Хизмат кўrsatiшнинг идоравий ички тартиби

Ходим ишдан бўшатилган ёки бошқа лавозимга ўтказилган холларда ва бўш иш ўрни пайдо бўлганда Ходимлар бўлими ушбу маълумотни Бош директорнинг буйруғига биноан РРТМ ДУКнинг расмий сайтига ([www.crrt.uz](#)) ва Ягона интерактив давлат хизматлари порталига ([www.my.gov.uz](#)) жойлаштиради.

4.5. Рад этиш учун асослар

Күйидагилар шикоятни кўриб чиқиши рад этиш учун асос бўлади:

- шикоятни нотўғри расмийлаштириш, Ф.И.Ш ва манзилини кўрсатмаслик;
- мурожаатларда ҳунук (куракда турмайдиган), ҳақоратловчи сўзларнинг, рекламалар ва бошқа номаъкул элементларнинг мавжудлиги;
- ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар тақдим этилиши;
- хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилган шахснинг мазкур хизматни ёки маълумотни олишга ҳуқуқи йўқлиги;
- раҳбарнинг қабулига ёзилиш учун – фуқороларни қабул қилиш жадвалидан ташқари вақтларда қабулга ёзишни талаб қилиш (сўраш);

5. Сифатни таъминлаш

5.1. Сифат параметрлари

Ҳар бир номзодни кўриб чиқиш ишига объектив ва ўта эътибор билан ёндошиш.

Бўш иш ўрнига номзодни кўриб чиқишида мажбурий тамийиллар:

- маълумот даражаси ва соҳаси;
- илмий даражаси (мавжуд бўлса)
- аввалги иш тажрибаси.

5.2. Кўрсатилган хизматнинг сифатсизлиги устидан арз қилиш

Мурожаатчи РРТМ ДУКда юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини (шикоятларини) қабул қилиш, ишлов бериш хизматларининг сифатсизлиги юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда, ҳамда раҳбарга ёзма ва оғзаки мурожаат кўринишида арз қилиши мумкин.

“РРТМ” ДУКда бўш иш ўринларига аризалар қабул қилиш хизматини кўрсатиш схемаси

